

АДОЛАТ



ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ»
СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING
ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ ГАЗЕТАСИ

ГАЗЕТА 1995 ЙИЛ
22 ФЕВРАЛДАН ЧИҚА
БОШЛАГАН

2005 ЙИЛ 16 ДЕКАБРЬ, ЖУМА • СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА • № 50 (546) • E-mail: adolat_gazeta@sarkor.uz

Фракция йиғилишида

Фаолиятга ҳуқуқий мезон

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон «Адолат» СДП фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни фракция раҳбари Дилом Тошмухамедова бошқарди. Мажлисида депутатлар дастлаб «Тадбиркорлик субъектларини текширишлар сонининг қисқартирилиши ва унинг тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини муҳокама этдилар. Ушбу масала юзасидан депутат Нўмон Аҳмаджонов маъруза қилди.

— Мазкур лойиҳада «Фермер ҳўжалиги тўғрисида»ги, «Ҳўжалик юртувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги, «Хусусий корхона тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш кўзда тутилган — деди, у ўз сўзида. Президентимиз томонидан хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш борасида белгиланган вазифаларга биноан 2007 йилга қадар уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини камида 45 фоизга етказиш, деҳқон-фермерлик ҳаракатини жонлантириш орқали мамлакат аграр секторини сезиларли даражада юксалтириш мақсад қилиб қўйилган.

Музаффар АБДУШУКУРОВ,
«Адолат» муҳбири

Ўтган йили уларнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидagi улуши 35,6 фоизни ташкил этган. Соҳада 6,5 миллион киши фаолият кўрсатиб, қарийб 43 минг янги иш ўринлари яратилган.

Кўрииб турибдики, мазкур қонуннинг қабул қилиниши хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес салмоғини кескин оширишга, улар ишлаб чиқарган маҳсулотлар истеъмол бозорига ўз ўрнини топишга, янги иш жойлари яратилишига имкон яратади.

«Давлат сирларини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги ҳамда «Давлат сирларини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонуни лойиҳалари муҳокамаси юзасидан депутат Собир Турсунов фикр билдирди.

Шунингдек, «Нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни лойиҳаси бўйича депутат Худоёр Маматовнинг ахбороти тингланди.

(Давоми 2-бетда.)

2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили

Юсубжон НИШОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати,
«Адолат» СДП фракцияси аъзоси

Халқимизда «халқ соғлиги — юрт бойлиги» деган мақол бор. Агар халқимиз саломатлиги қанча мустаҳкам бўлса, меҳнатга лаёқатлилиги шунча ошади. Меҳнат бу — юрт бойлиги демакдир.

Шу ўринда 2005 йил — «Сиҳат-саломатлик йили» деб эълон қилиниши аҳоли саломатлигини

йўқ, Фикримча, бу йилни нафақат «Сиҳат-саломатлик йили»нинг, балки 2004 йил — «Меҳр-муруват йили»нинг ҳам узвий давоми десак бўлади.

Халқ саломатлигини сақлашда саховатпеша шифокорларнинг беқиёс хизматлари билан бирга, уларга моддий ёрдами тега оладиган олижаноб инсонлар — ҳомийларнинг жалб этилиши, яъни ҳамжиҳатликда эзгу ишларга қўл уришлари бажарилган са-

Жуманова АЛИБЕКОВА,
«Адолат» СДП Самарқанд
вилоят Кенгаши биринчи котиби

Жорий 2005 йил — «Сиҳат-саломатлик йили» ҳам ниҳоялаб қолди. Бир йил ичида қанчадан-қанча шифо масканлари янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилди, бир неча юз минглаб ёшлар, қариялар, ногиронлар дардига шифо топгани барчамизга кундай равшан.

айни дилидаги гап бўлди. Ватан озодлигини, халқимизнинг тинч, осуда, фаровон ҳаёт кечирishiга ҳисса қўишни истаган юраги ва қалби тоза фидойи юртдошларимиз ён-атрофидаги бевабечораларга, етим-есир, ёрдамга муҳтож кишиларга кумак ва ёрдам беради, ўз кишлоғи ёки шаҳрини ободонлаштиришга бел боғлайди. Шифокорларнинг ҳам ха-

Ҳомийлик — азалӣ қадрият

мустаҳкамлаш, жисмоний ва маънавий соғлом авлодни тарбиялаш ҳамда шу каби долзарб масалаларни ижобий ҳал этишда муҳим аҳамият касб этгани барчамизга яхши маълум.

Мазкур амалий ишларнинг изчил давом эттириш ва янги босқичга кўтариш мақсадида Президентимизнинг янги қилиб келатган 2006 йилни — «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилиши барча фуқароларнинг дилидаги гап бўлганига шубҳа

вобнинг юқини янада оширади, деб уйлайман. Юртбошимиз маърузасида «саховатли ва бегараз ҳомийларнинг қиладиган олижаноб ишлари инсон дардига малҳам бўлиб, унинг гаму ташвишларига шерик бўлиб яшайдиган фидойи шифокорлар фаолияти билан ҳар томонлама ҳамоҳанг ва узвий боғланиб кетганини тасаввур қилиш қийин эмас» деганида тиббий ходимларига бўлган ишончининг нақадар мустаҳкам эканлигини яққол намоён этди.

2006 йилни — Ҳомийлар ва шифокорлар йили деб эълон қилиниши бежиз эмас, албатта. Ҳомийлик, яъни, кўмак ва мададга муҳтож бўлган кишиларни қўллаб-қувватлаш, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш ўзбек халқининг миллий менталитетига хос, азалӣ қадриятлардан.

Шунинг учун ҳам келгуси йилнинг Ҳомийлар ва шифокорлар йили деб эълон қилингани халқимизнинг

лқимиз саломатлигини асраш, айниқса, келажагимиз бунёдкорлари бўлмиш ёшларни жисмонан соғлом, маънан етук бўлиб вояга етишида амалга ошириладиган ишлари, медицина соҳасида эришадиган ютуқлари ҳеч ҳам ёрдамга муҳтож кишига кумаклашаётган ҳомийдан қолишмайди. Шифокорлар нажот сураб келган кишиларга мадад, шифо беради, дардига дармон бўлади.

Адолат мезони

Фермер тендерда ғолиб

аммо, энди ўзининг ҳақлигини судда
нсоблаш учун азият чекапти. Нега?

Зафар ТУРАКУЛОВ,
«Адолат» муҳбири

Нарпайлик 64 ёшли фермер Элмурод Раҳмонов қўлида ерга эгаллик ҳуқуқини берувчи тендер комиссиясининг қарори бўла туриб бир йилдан буён ҳокимият ва қонун идоралари эшигига қатнаш билин овора.

Нега? Ваколатли тендер комиссиясининг қарорини шубҳа остига қўядиган ҳолат аниқланганми? Ғирромликка йўл қўйилганми? Йўқ! У ҳолда фермерни нега даласига яқин йўлатишмайпти? Қонуний эгаси четда қолиб ерга даъвогарлик қилаётган ким?

Авалло Элмурод Раҳмонов ва у бошқараётган фермер ҳўжалиги хусусида қисқача таъриф. Элмурод ака Нарпайнинг тажрибали деҳқонларидан. Чорвадорликда ҳам уни олдиға тушадигани йўқ. Туманда фермерлик ҳаракати бошланган илк кунданок у

«Ҳақиқат» жамоа ҳўжалиги ҳисобидан 9 гектар ер олиб ўз ҳўжалигини тузди.

Туманда чорвачилик касодга учраб, тугаб бораётган ўша пайтда Элмурод ака ўзига тегишли «Лочин араб» фермер ҳўжалигида қорамол боқиб гушт, сут

ер фермер ҳам манфаат кўраётган эди. Аммо...

Гап шундаки, «Ҳақиқат» ширкат ҳўжалиги тугатилиб, унинг негизда фермер ҳўжаликлари ташкил этиладиган пайтда тендер танловида иштирок этган Элмурод Раҳмоновга туман ҳокимининг қарори билан яна 8,3 гектар ер пахта, галла экиш учун асосий ер майдонига қўшиб берилди. Фермер янги ерни обдон тахлаб шудгорлаш учун дала бошига чиққан эди, шу жойда унинг йўлига гов қўйиб кўкрагидан итармоқчи бўлганлар топилиб қилишди. Эмишчи, тендер комиссиясининг қарориди кўрсатилган ернинг 1,1 гектари узок йиллар «Ҳақиқат» ширкат ҳўжалигида бригадир бўлиб ишлаган Уктам Раззоқов ва унинг оиласига тегишли. Бригадир бу ердан маҳдум қилишга, уни бошқа кишига олиб боришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ!

Кисқаси ҳаммаси рисоладагидек кетаётган, режалар ортиги билан урдаланиб, давлат ҳам

ридли. Фермер янги ерни обдон тахлаб шудгорлаш учун дала бошига чиққан эди, шу жойда унинг йўлига гов қўйиб кўкрагидан итармоқчи бўлганлар топилиб қилишди. Эмишчи, тендер комиссиясининг қарориди кўрсатилган ернинг 1,1 гектари узок йиллар «Ҳақиқат» ширкат ҳўжалигида бригадир бўлиб ишлаган Уктам Раззоқов ва унинг оиласига тегишли. Бригадир бу ердан маҳдум қилишга, уни бошқа кишига олиб боришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ!

(Давоми 2-бетда.)

БАФРИКЕНГЛИК НАМУНАСИ

амнистия унутиш,
кечириш дегани

ВИЛОЯТ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ

конференцияларида
Фаолият дастури
муҳокама этилди

ХАВОСИ ТОЗА, ЧИКИМИ КАМ

бензин ўрнини
босадиган ёнилги

БОШҚАРУВ БОШ ОМИЛ БЎЛМАСА

корхона бозори
касод бўлади

ДАРМОНМИ Ё МАНФААТ?

хорижий тарғиботчиға
савол

ПУШАЙМОН ЁШЛАРИ

биринчи бахтни
асранг

2005 ЙИЛ 17 ДЕКАБРЬ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН
«АДОЛАТ» СОЦИАЛ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING
УМУМПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИ БЎЛИБ ЎТАДИ



Носир Хайдаров олган сурат.

Фаолият дастури

эзгу мақсадларга чорпаўғи

Худоёр МАМАТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати,
«Адолат» СДП фракцияси аъзоси

Юртимизда ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий — маърифий ислохотларимиз сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилди. Олдимизда турган долзарб вазифалар аниқ ва равшан белгилаб олинди. Уларнинг қай даражада бажарилиши, амалга оширилиши эса энг аввало, бутун халқимизнинг, турли партияларнинг, шу жумладан «Адолат» СДП фаоллари ва барча аъзоларининг фидойилилиги, кенг қўллами фаолиятига ҳамда бу улугвор мақсадларни амалга оширишда қўшадиган ҳиссасига боғлиқдир.

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, «сиёсий таъриба ортирилиши, сиёсий етукликка интилиш ва энг муҳими, молия-

вий мустақилликка эришиш, жамиятда ўз ўрнини топиш ва ўзининг доимий сайловчиларига таяниш учун фаол ҳаракат қилиш» лозим. Шу маънода, «Адолат» СДП бугун мамлакатимиздаги, аҳолининг кенг қатлами, барча жамоат жамғармалари, нодавлат ташкилотлари, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари, ёшлар ҳаракатлари билан яқин ҳамкорликни янада жонлантириш лозим. Айниқса, партиянинг бошланғич ташкилотлари, туман ва қишлоқлардаги бўлимлари фаолияти бутунлай қайтадан кўриб чиқилиши, замон талабларига мос равишда ислох қилиниши керак.

Қачонки, биз халқ ичига қилиб борсак, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилсак, ва улар орасидан дунёқароши кенг, билимли, етук мутахассислардан партия заҳирасини шаклланти-

риб борсак ўз олдимизга қўйган асосий вазифаларни бажарган бўламиз. Шуларни инобатга олган ҳолда, «Адолат» СДПнинг янги Фаолият Дастурида қонун устиворлиги, инсон ҳуқуқларини таъминлашга, ижтимоий адолатни қарор топтиришга, демократия гоёларини мустаҳкамлашга, фуқаролик жамиятининг шаклланишига кумаклашишга, ислохотларга тўсиқ бўлаётган иллатларга қарши курашишга алоҳида эътибор қаратилган. Шу билан бирга, давлатнинг молиявий механизмлари шаффофлигини, ҳокимиятнинг барча тармоқларини ўзаро мувофиқлигини, ҳукумат фаолияти бўйича тўлиқ маълумот олиш имкониятини ҳамда оммавий ахборот воситаларининг эркинлигини таъминлаш ҳам бу борада қилинадиган ишлар қаторига қиради.

Партиялар ҳамкорлиги

муваффақиятлар гарови

Қошир ЖҲРАЕВ,
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия
университети халқаро муносабатлар
факультети декани

Партия Низомиди улугвор мақсад ва вазифалар белгилаб берилган. Илмий тил билан айтганда, у партиянинг стратегиясини ўз ичига қамраб олади. Фаолият Дастури эса — тактика. Яъни, Низомда берилган умумий вазифаларни ҳаётга тадбиқ этувчи Амалий ҳаракатлар мажмуи. Парламентга бўлиб ўтган сайловлар, аҳоли орасидаги кенг қўллами фаолиятимиз ҳамда бўлиб ўтган учрашув ва давра суҳбатлари биз халқ манфаатига хос ва мос тадбирлар ишлаб чиқиш, фаолиятини янада такомиллаштириш лозимлигини кўрсатди. Шу сабабли халқимизнинг муштарак манфаатларини ўз ичига олган янги мажмуани ишлаб чиқиш мизининг йиғилишида бу нарсаси Сиёсий Кенгаш томонидан маъқулланди.

Мазкур Фаолият Дастури олдингилардан тубдан фарқ қилмайди, балки уларни тўлдирди. Эътибор қилган бўлсангиз, кейинги йилларда кучли фуқаролик жамиятини бунёд этиш ишлари ўртага ташланган. Бу давлат билан бирга турли хил нодавлат ташкилотлари ҳамкорлигини йўлга қўйиш деганидир. Ижтимоий ташкилотларни, нодавлат уюшмаларини шакллантириш, уни юқори босқичга кўтариш Дастуриимиздаги янгиликларидан бири ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, ҳозир биз билан мақсадлари муштарак бўлган партиялар ҳам мавжуд. Масалан, Ўзбекистон тадбиркорлар ва ишбилармонлар либерал-демократик партияси, Фидокорлар миллий-демократик партияси шулар жумласидандир. Биз янги Дастуриимизда ушбу партиялар билан ҳамкорлик қилишни режалаштирганимиз. Юртимизда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш,



нодавлат ташкилотларни микрокредитлаш тўғрисидаги масалаларимиз бир-бирига мос тушади. Бу борада Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ушбу учта партияларнинг сиёсий блоки ҳам тузилди. Қолаверса, Дастуриинг муваффақиятли амалга ошишида партиядошларимизнинг ҳам жипслиги муҳим омил ҳисобланади.

Фаолиятда ҳуқуқий мезон

(Давоми. Боши 1-бетда)

Лойиҳада ҳозирда амалда бўлган "Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида"ги Қонунда инобатга олинмаган ҳолатлар, жумладан, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш каби масалалар қамраб олинган. Иш-тирокчилар лойиҳанинг бир қатор моддаларида ноаниқликлар борлиги ва қайта қўриб чиқиш кераклигини таъкидлаб, биринчи ўқишда уни маъқуллаш ва кейинги ўқишда билдирилган тақлифларни лойиҳага киритишга қелишиб олдилар.

Шу билан бирга фракция аъзолари томонидан "Кредит уюшмалари тўғрисида"ги, "Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиб-тамоийлари соддалаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларида ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг ҳўжалик процессуал кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги, "Тадбиркорлик фаолияти юритиш учун рухсатнома турларининг қисқартирилганлиги ва уларни бериш тартиб қоидаларининг соддалаштирил-

ганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларида ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ҳамда "Ипотека тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларида ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги масалалар ҳам муҳокама этилди.

Қўрилган лойиҳалар бўйича билдирилган фикр мулоҳазалар ва тақлифлар инобатга олиниб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Бағрикенглик намунаси

Ф.ТОҲИРОВ,
С.НҲЗОВА

Инсонпарварлик ва бағрикенглик халқимизга хос фазилатлардир. Билиб-билмасдан жиноятга қўл урганларга нисбатан кечиримли бўлиш азал-азалдан бизда қадрланиб келинаётган ҳислатлар сирасидан. Бундай юксак ахлоқий позиция жамиятда ўзаро иноқликни таъминлайдиган омил саналади. Зотан, бағрикенг, кечиримли инсон савий-ҳаракати замирида шахс эрки ва қадр-қимматиға ҳурмат билан қараш, миллий ва умминсоний қадриятларга бўлган манфаат ётади.

Дарҳақиқат, халқимизга хос ана шу ҳислатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан 2005 йил 2 декабрда эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунининг ўн уч йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисидаги қарориди маънасида.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ўз мустақиллигиға эришгандан сўнг Президентимизнинг бир неча марта "Амнистия тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди. Мазкур фармонлар бағрикенгликнинг юксак намунаси сифатида эътироф этилди. Олий Мажлис Сенатининг ақинда эълон қилинган амнистия тўғрисидаги қарорининг ҳам ҳар бир бандига инсонпарварлик тамойили сингдирилган. Мазкур қарор Конституциямиз қабул қилинган кунининг ўн уч йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимиомасига биноан инсонпарварлик принципиға амал қилиниб, Конституциянинг 80-моддаси 10-бандига ва 93-моддаси 23-бандига асосан Олий Мажлис Сенати томонидан эълон қилинди.

Қарорнинг мазмун ва моҳиятиға тўхталмишдан олдин, "Амнистия" сўзига қисқача тўхталиб ўтсак. Юнонча "амнистия", "унитиш, кечиритиш" деган маъноларни аналатади. Шунинг учун амнистия моҳиятида жи-

ноят содир этган ёки жазони ўтаётган маҳкумларға давлат томонидан инсонпарварлик, одиллик қўрсатилиб, жазони ўташда озоқ қилиш амали ётади. Аммо амнистия қилинган маҳкумлар оқланган ҳисобланмайди, балки бундай шахсларға меҳр-мурувват қўрсатилиб, содир этган жиноий қилмишлари кечирилган ҳисобланади. Улар оилалари бағриға қайтишади.

Қарор 9 банддан иборат бўлиб, унинг биринчи бандига аёллар, вояға етмаганлар, 60 ёшға кирган эркеклар, чет эл фуқаролари биринчи марта содир этган жиноятлари учун тайинланган жазолардан озоқ қилиндилар. Жиноят содир этётган шахсларнинг бир тоифаси жиноий жавобгарликдан, яна бир гуруҳи жазони ўташдан озоқ этилса, бошқа бир тоифадаги маҳбусларнинг жазо муддатининг ўталмаган қисми учдан бир ёки тўртдан бирға қисқартирилади. Ўта хавфли рецидивистлар, жазони ўташ тартибини мунтазам бузган, тақиқланган ташкилотлар фаолиятида иштироки бор, шунингдек, муқаддам авф этиш ёки амнистия тартибиди жазодан озоқ бўлғач, яна қасддан жиноят содир этган шахсларға қарорда қўрсатилган бағрикенглик тадбиқ этилмайди.

Мазкур қарор эълон қилинган кундан эътиборан қўчға қириб, уч ой мобайнида ижро этилиши назарда тутилган. Жазони ўташ жойларидан озоқ этилган шахслар жамиятда ўз ўринларини топиб, тақдоран жиноятға қўл ўрмасликлари лозимки, бу давлатимизнинг инсонпарвар сиёсати, чинакам бағрикенгликнинг қадр-қимматини таъминлайди. Бунинг учун маҳаллий ҳокимиятлар қошидаги тегишли комиссиялар ва ички ишлар идораларининг профилактика бўлимлари ходимлари масъулиятини ўз зиммаларига олиб, бундай шахсларнинг ижтимоий муҳитға мослашишлариға қўмақлашувчи барча чора-тадбирларнинг ишлаб чиқишлари ва амалда тадбиқ этишлари лозимдир.

Фермер тендерда қолиб

аммо, энди ўзининг пақлигини сўдга исботлаш учун азият чекаётми. Нега?

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ана холос, бу ҳолда тендер комиссиясининг танловию-ю, туман ҳокимининг қарори қаерда қолди? Ахир фермернинг ҳаритасига киритилган, солигини тўлаб бориш қўрсатилган ер неға жанжалу низоларни келтириб чиқариши керак?

Фермер Элмурод Раҳмонов тендер комиссияси ва туман ҳокимига қайта мурожаат қилди. У ердагилар эса "биз ваколатимизни бажариб бўлганимиз, судға учрашин" деб қисқа жавоб беришди. Элмурод ака бу масалаға қулоқ тутиб Каттакўргон туманлараро фуқаролик судига даъво аризаси билан мурожаат қилди.

Ниҳоят одил суд ишни фермер фойдасига ҳал қилиб берди. Энди келишмовчиликлар барҳам топди деб ўйларсиз. Йўқ. Ерни ўлаб беришда тўқсинлик пайдо бўлган кундан бўён бир йил мобайнида 7 марта турли босқинда суд жараёнлари бўлиб ўтди. Бири-бирини инкор этувчи суднинг ҳал қилув қарорларини эшитавериб, фермернинг тинка-мадори қуриди. Бири даъвогарни ёқласа, бири жавобгарға ёқ босади.

Фуқаролик ишлари бўйича Каттакўргон туманлараро судининг 2005 йил 19 сентябрда судья А.Шерғозиев раслиғида чиқарилган ҳал қилув қарорига мувофиқ

фермер Элмурод Раҳмоновға ажратилган 1,1 гектар ер аслида соёқ "Ҳақиқат" ширкат ҳўжалигиға тегишли эмас. Нарпай анҳори ёқасида жойлашганлиги ва муҳофаза ҳудудиға киришлиги сабабли Нарпай — Навоий Ирригация тизими бошқармасининг тасарруфида. Бундай ерни фермерларға ўлаб бериш қонун асосида таъқиқланади!

Қарордан норози бўлган фермер фуқаролик ишлари бўйича қонуний тамом! Лекин Шерғозиев раслиғидаги суднинг шовма-шоварлик билан бирёқлама чиқарилган ҳал қилув қарори неға санамай саккиз дейилдию фермернинг ҳуқуқи тикланмай қолди? Буниси бизға қоронғу.

Қаранг, суд низоли 1,1 гектар ердан жавобгар Х.Разақова 1994 йилдан бўён фойдаланиб келаётганлигини қайд этади-ю аммо нима мақсадларда қандай шартлар билан ерни ўз ихтиёрида сақлаб турганлигини ўрганмайди? Агар судға барча маълумотларни тақдим этиш сўралганда эди бошқача манзара намоён бўлармиди...

Гап шундаки, низоли ерни бригадир У.Разақов ва унинг тур-

муш ўртоғи Х.Разақова 1994 йилда тоқзор сифатида сотиб олиб, 2000 йилға қайта фойдаланиб келишган. Ўша йили тоқлар қаровсизликдан, сувсизликдан қуриб кетган ташланғач, оила сабзавот, картошка етиштириш билан шуғулланишға ўтган. Бироқ, сотиб олинган тоқзор қуриганлиги ва очик ерда сабзавот етиштириляётганлиги учун "Ҳақиқат" ширкат ҳўжалиги билан ижара шартномаси тузилмаган, низоли ер жавобгарларнинг тасарруфиға қонунан ўтказилмаган.

Тортишувға шу ерда нуқта қўйилса ҳам бўларди. Бироқ, "Лочин араб" фермер ҳўжалигининг шу йил ёз бўйи йиққан 42 тележка сомониға қиммат қўйиб қетди. Фермер дарҳол милицияға хабар берди. Айбдор эса ҳанузгача топилгани йўқ. Фермернинг боқувидиға қорамолларига ўғри оралаётгани ҳақидаги мурожаатлари ҳам жавобсиз қолмоқда. "Лочин араб" фермер ҳўжалигиға тегишли 1,1 гектар ерда ўзбошимчалик билан қурилган иморату иншоотлар ҳеч қандай ҳўжатларға асосланмаган бўлса-да ҳозиргача бузиб ташланмапти.

Вилоят судининг янги ажрими қачон ижросини топади? Фермерни қутилмаган оворагарчилиги таъйинлардан қим ҳимоя қилади? Самарқанд вилоятининг Нарпай туманида фермерликни қўллаб-қувватлаш ислохотларини қўллаш билан баробар эканлигини тушуниб етувчилар нахотки топилмаса?

Тошкент

Ташаббус ва тарғибот

«Адолат» СДП Сиёсий Кенгашининг мажлислар залида Тошкент шаҳар партия ташкилотининг IV конференцияси бўлиб ўтди. Унда Сиёсий Кенгаш биринчи котиби Дилором Тошмухамедова иштирок этди.

Сиёсий Кенгаш IV Пленуми талаблари асосида ўз ишларини пухта ташкил этиб, партия фаолиятини янада жонлантириш, аъзолар сафини кенгайтириш, халқ орасиға чуқурроқ кириб бориш ҳар бир партия ташкилоти аъзоси ва фаолларининг асосий мақсадиға айланмоғи даркор. Ана шундай бир пайтда Тошкент шаҳар партия ташкилоти қандай ишларни амалға оширмоқда? Конференция кун тартибидан ўрин олган бу масала юзасидан маъруза қилган Тошкент шаҳар партия Кенгашининг биринчи котиби Нуршод Ғиёсов мавжуд аҳволни таҳлил этаркан, партия ташкилоти олдида турган вазифалар ҳамда партиянинг Ҳаракат дастури юзасидан етарли маълумотларни қайд этиб ўтди.

Ўтган давр ичида партия ташкилотимиз фаолияти сезиларли даражада жонланди — деди нотик ўз сўзида. — Фаолияти тўхтаб қолмаган Бектемир туманида 100 га яқин аъзоларни жамлаган иккита бошланғич партия ташкилоти ҳам айни пайтда омма орасида тарғибот-ташвиқот ишларини бошлаб юборди. Айниқса, Миробод, Учтепа, Чилонзор, Шайхонтоҳур, Мирзо Улуғбек ва Ҳамза туманларида партиямиз ўз олдиға қўйган мақсад ва вазифаларни кенг халқ оммасига етказишда кўпчиликка ўрнатилган бўлиб келаётди. Улар маҳалларда, жамоат ташкилотларида турли учрашув ва тадбирлар ўтказиб, Дастур ва Низом, мамлакатимизда амалға оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ҳамда сиёсий, маъданый-маърифий жараёнлар хусусида фикр юритмоқда.

Шу билан бирга, айрим туман партия ташкилотларида ҳамон узибўларчилик ҳолати ҳукм сурмоқда. Баъзи туманларда партия ташкилотлари билан алоқа узилиб қол-

Вилоят партия ташкилотлари

Нукус

Фаоллар етакчи куч

Дўйит АБИДУЛЛАЕВ,
«Адолат» мухбири

Нукусдаги сил касалликлариға қарши курашиш диспансерининг ўқув марказида «Адолат» СДП Қорақалпоғистон Республикаси Сиёсий Кенгашининг конференцияси бўлиб ўтди. Унда туман ва шаҳар кенгашлари котиблари, партия фаоллари иштирок этди.

Конференцияда партиянинг 2006-2010 йилларға мулжалланган Фаолият дастури лойиҳаси муҳокама қилинди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, партия фракцияси аъзоси М.Асқаров сўзға чиқиб, Фаолият дастуридан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисида атрафлича тўхталиб ўтди. Бу масала юзасидан Республика Конституциявий назорат қўмитаси бошлиғи ўринбосари Х.Қабуллов, Қорақалпоғистон радиосининг бўлим мудири Н.Бегимова ва бошқалар ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Анжуманда Олий ва ўрта махсус ҳамда халқ таълими вазирликлари билан ҳамкорликда ўтказилаётган «Конституцияни биласизми?» мавзусидаги иншо танлови бўйича республика кенгаши томонидан ишлаб чиқилган тадбирлар муҳокама қилинди.

— Партиянинг 2006-2010 йилларға мулжалланган Фаолият дастури лойиҳаси конференция иштирокчилари томонидан тўла маъқулланди, — дейди Нукус шаҳар Кенгаши депутати Жолдасбай Ешимбетов. — Бунда ижтимоий адолат ўрнатиш ва ислохотларға тўсиқ бўлаётган иллатларға қарши курашиш партия аъзоларининг асосий вазифаси бўлиши керак.

— Партия фаоллари етакчи куч, — дейди партия аъзоси, Қорақалпоғистон радиосининг бўлим бошлиғи Нурсулв Бегимова. — Фаолият дастурида аёлларнинг жамиятдаги ролини ошириш ҳам назарда тутилган. Шунинг учун республика Кенгаши қошидаги хотин-қизлар ва ёшлар билан ишлаш Марказининг фаолиятини янада жонлантириш талаб этилади.

Конференция сўнггида янги қабул қилинган партия аъзоларига аъзолик билетлари топширилди. Кун тартибидидаги масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.



Танқид ва таъкид

Қашқадарё вилоят партия Кенгашида ошқора айтилди

Комил САХАТОВ,
«Адолат» мухбири

Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида сиёсий партияларнинг роли бугун анча жонланди. Энди улугвор мақсад-вазифалар акс этган партия дастури билан халқ орасиға кириб бориш зарур, дея таъкидланди Ўзбекистон «Адолат» СДП Қашқадарё вилоят Кенгаши конференциясида.

Анжуманда вилоят партия Кенгаши биринчи котиби, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Абдулла Абдуназаров Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши IV пленуми қарорларини бажариш борасида партия ташкилотлари фаолигини янада ошириш юзасидан маъруза қилди.

— Ҳозирги кунда сафларимизда олти юздан ортиқ эл-юрт ишиға садоқатли, фидойи фуқаролар уюшган. Улар партиямизнинг жамият ҳаётидаги мавқеини кўтариш, мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқ фаровонлигини оширишда ҳар томонлама фаол иш олиб боришмоқда, — деди нотик ўз маърузасида. — Аввало, партиямиз ташкилотларини ҳар томонлама етуқ, ишбилармон, жонқуяр кадрлар билан мустаҳкамлашға эътибор қаратишимиз лозим. Шунингдек, аҳоли ўрта-сизда тарғибот-ташвиқот, мониторинг ишларини ҳам қучайтириш зарур. Негаки, Китоёб, Шахрисабз туманларидаги вакилларимиз олиб бораётган ишлар талаб даражасида эканлигини эътироф этиш баробарида, Чирчиқ, Қамаш, Ғузор туман Кенгашлари фаолияти билан мактабларда олимаимиз. Миришкор туманида эса ҳанузгача партия Кенгашининг биринчи котиби йўқ.

Бундан ташқари, нотик аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш, жамиятда ижтимоий адолатни ўрнатиш, фуқаролик жамияти шаклланишиға қўмақлаш, иқтисодиётда давлатнинг аралашувини камайтириб бо-

риш, аёлларнинг жамиятдаги ролини ошириш ва ислохотларға тўсиқ бўлаётган иллатларға қарши биргаликда курашиш ҳақидаги партия мафқурасини кенг оммага тарғиб қилиб бориш хусусида атрафлича фикр юритди.

Шундан сўнг конференция иштирокчилар 2006-2010 йилларға мулжалланган партия Фаолият дастурини қизгин муҳокама қилишди. Вилоят Кенгаши котиби Раъно Асадова бу ҳақда йиғилганларға кенг тушунтириш берди. У партия ишчи органларининг фаолигини янада ошириш Фаолият дастурида атрафлича таъкидланди. Музокараларда сўзға чиққан партия фаоллари Мўмин Азизов, Хосият Жабборов, Тоштурди Тураев ва бошқалар Фаолият дастури бўйича ўз тақлифларини билдиришди.

Анжуман сўнггида 17 декабр кунини бўлиб ўтадиган «Адолат» СДП умумпартия конференциясиға делегатлар сайланди, муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Шу кун партия вилоят Кенгашининг пленуми ҳам бўлди. Унда ташкилот билан муҳокама қилинди. Вилоят бозорлар уюшмаси расиси ўринбосари Абдуқадир Аҳмедов Кенгашининг биринчи котиби этиб сайланди.

Шундан сўнг партиянинг шаҳар ва туман Кенгашлари, халқ депутатлари вилоят, шаҳар ҳамда туман Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларининг фаолиятини янада тақомиллаштириш масалалариға бағишланган илмий-амалий семинар ҳам бўлиб ўтди.

Шунингдек «Адолат» СДПнинг Андижон, Фарғона, Наманган, Навоий, Хоразм ва бошқа вилоят кенгашларида ҳам конференциялар ўтказилиб, партиянинг янги фаолият дастури кенг муҳокама этилди.

Жиззах

Эътиборда инсон омили

Шоҳруҳ САИЕВ,
«Адолат» мухбири

Мамлакатимизда амалға оширилаётган иқтисодий-ижтимоий ислохотлар замирида фуқаролар учун фаровон турмуш шароитини яратиб беришдек эзгу мақсад муҳассам. Буни руёбға чиқаришда республикадаги партияларнинг ҳам муносиб ўрни бор. Қизгин баҳс-мунозами тузилмаган, низоли ер жавобгарларнинг тасарруфиға қонунан ўтказилмаган.

Тортишувға шу ерда нуқта қўйилса ҳам бўларди. Бироқ, "Лочин араб" фермер ҳўжалигининг шу йил ёз бўйи йиққан 42 тележка сомониға қиммат қўйиб қетди. Фермер дарҳол милицияға хабар берди. Айбдор эса ҳанузгача топилгани йўқ. Фермернинг боқувидиға қорамолларига ўғри оралаётгани ҳақидаги мурожаатлари ҳам жавобсиз қолмоқда. "Лочин араб" фермер ҳўжалигиға тегишли 1,1 гектар ерда ўзбошимчалик билан қурилган иморату иншоотлар ҳеч қандай ҳўжатларға асосланмаган бўлса-да ҳозиргача бузиб ташланмапти.

Вилоят судининг янги ажрими қачон ижросини топади? Фермерни қутилмаган оворагарчилиги таъйинлардан қим ҳимоя қилади? Самарқанд вилоятининг Нарпай туманида фермерликни қўллаб-қувватлаш ислохотларини қўллаш билан баробар эканлигини тушуниб етувчилар нахотки топилмаса?

каби аҳоли қатламлариға алоҳида эътибор, ғамхўрлик билан муносабатда бўлиш халқимизнинг азалий инсонпарварлик фазилатиға мосдир.

Вилоят партия Кенгаши, унинг жойлардаги бўгинлари қонун устуворлигиға эришиш, хусусан, ҳокимият органларини томонидан қонуннинг бузилиши каби ҳолатларға барҳам берилшға интилоқда. Бугунги кунда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини қарор топтириш жамият ҳаётида ошқоралик, ўз ўзини танқид қилиш муҳитини яратиш талаб этади. Шу боис вилоят Кенгаши шу пайтгача қўлланилиб келинган фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий шарти — "Давлат-жамият-инсон" учлигини "Инсон-жамият-давлат" учлиги билан ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан алмаштирилиши учун савий-ҳаракат қўрсатаётди.

Конференцияда, шунингдек, ислохотларға тўсиқ бўлаётган иллатларға барҳам бериш, мамлакатда тинчлик ва барқарорликни таъминлашға ҳисса қўиш, хотин-қизларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, бошланғич ташкилотлар фаолиятини янада ошириш каби долзарб масалаларға ҳам ургу берилди. Анжуманда партия фаоллари сўзға чиқиб, «Адолат» СДП Фаолият дастурининг моҳияти ва аҳамияти хусусида фикр юритишди.

Конференцияда қўрилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди.

Бугуннинг гапи


Мирза НИЯЗМЕТОВ,
Тошкент вилоят ҳўжалик суди раиси
вазифасини бажарувчи

Тадбиркорлик билан шуғулланаётган корхона ва ташкилотларнинг фаолиятини янада эркинлаштириш амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг асосидир. Ҳукуматимиз томонидан уларга кенг имкониятлар очиб берилмоқда. Бундан самарали фойдаланган минглаб тадбиркорлик субъектлари иқтисодиёт ривожига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Ана шу боис бугун бозорларимиз тўкин, ҳаётимиз фаровон.

Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, уларга имкон қадар қўлай шарт-шароит яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуни

этилган корхоналардан. Замоновий бино, қўлай шарт-шароитга эга бўлишига қарамадан бошқарувнинг нотўғри ташкил этилганлиги оқибатида ташкилот иқтисодий ночор аҳволга тушиб қолган. Бунинг олдини олиш, корхона фаолиятини яхшилаш мақсадида вилоят ҳўжалик суди томонидан корхонада ташки бошқарув жорий этилди.

Тошкент вилоят Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармасининг «Бўка бош пиллаҳонаси» ҳамда «Олмалиқ пўлатмонтаж» масъулияти чекланган жамиятларини банкрот деб эътироф этиш ҳақидаги даъво аризалари кредиторларнинг талаблари қарздорлар томонидан қондирил-



ОҚҚУРҒОН. «Олимпент» пахта тозалаш корхонасида туқли ва туқсиз уруғлик чигит тайёрлашга мўлжалланган янги цех ишга тушди. Бунинг учун завод ҳудудида замонавий кўринишга эга бино барпо этилди ва Испания технологияси билан жиҳозланди. Бир кунда 100 тоннагача чигитни қайта ишлаш ва дориллаш қувватига эга ушбу цех учун қарийб 600 миллион сўм маблағ сарфланди. Яқинда бу корхонада вилоят семинари бўлиб ўтди. Унда Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилоятларидан келган пахта тозалаш корхоналари раҳбарлари ва мутахассислари ҳам қатнашиб, янги технологиялардаги иш жараёни билан яқиндан танишишди.

Бошқарув бош омил бўлмаса

корхона бозори касод бўлган

қабул қилинди. Мазкур қонуннинг мазмун-моҳияти шундаки, иқтисодий ночор аҳволга тушиб қолган тадбиркорлик субъектларини тугатиш эмас, уларга ҳар томонлама кўмак беришдан иборат.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, бугунги бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир корхона талаб ва эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда иш юритмас экан бозори касод бўлиши тайин.

Тошкент вилояти ҳўжалик суди томонидан жорий йилнинг дастлабки 11 ойи давомида 107 та тадбиркорлик субъекти истикболсиз корхона сифатида баҳоланиб, банкрот деб эълон қилинди. Ушбу ҳўжалик юритувчи субъектларнинг қарийб 98 фоизининг устав фондида давлат ёки бошқа умумий мулк улуши мавжуд бўлмасдан, асосан хусусий мулкчиликка асосланган корхоналар ташкил этиди. Бундан ташқари, корхона ва ташкилот раҳбарлари бозор талабларига зид равишда иш олиб бораётгани ҳам иқтисодий ночорликка, таназзулга олиб келиши мумкин.

Мисол учун «Каолин» қўшма корхонаси вилоятимизда хориж сармояси асосида бунёд

ганлиги сабабли рад этилди. Уларнинг эркин фаолият кўрсатишлари имконият яратилди.

Айрим ҳолларда ҳўжалик судининг қарори асосида тугатиш ишларини талаб даражасида олиб бориш ишлари етарлича таъминланмапти. Чунончи, Охангарон шаҳридаги «Сантехкуйма» акциядорлик жамиятини тугатиш ва давлат реестридан чиқарилиши қонунда белгиланган муддат давомида бажарилмай пайсалга солиб келинган. Шу боис тугатиш бошқарувчиси лавозимидан олиниб, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш, корхонани зудлик билан қайта ташкил этиш чоралари кўриляпти.

Шунингдек, иқтисодий ночор корхоналар фаолиятига қонуний ҳолатда бериш борасида прокуратура органлари, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси, давлат солиқ хизмати идоралари билан ахборот алмашинуви йўлга қўйганлигимиз фаолиятимиз самардорлигини таъминлашда қўл келмоқда.

ААДИЛОВ,
хўжалиқшос

Наманган вилоят ҳўжалик суди Янгиқўрган туманидаги Раҳмонжон номли деҳқон ҳўжалигини банкрот деб эълон қилди. Бунга сабаб ҳўжалик охириги марта бюджет ва бошқа солиқ тўловлари ҳақидаги ҳисоботларни 2003 йил охирида топширган, холос. Унинг раҳбари Р.Холиқов эса қўшни давлатлардан бирига жуфтани ростилашга улгурган. Натижада ҳўжаликнинг солиқ ва бошқа тўловлардан қарздорлиги кун сайин ошиб бораверган. Шу боис суд «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 51,124-моддаларига асосан Раҳмонжон номли деҳқон ҳўжалигини банкрот деб эълон қилиш, уни тугатишга доир иш юритишни бошлаш ҳақида ҳал қилув қарори қабул қилди. Унга қўра деҳқон ҳўжалиги ўз мол-мулкларини тасарруфидан чиқариш, ўзга шахсларга бериш, пул маблағларини ҳисоб рақамидан чиқариш ва ўзга шахсларга ўлаши, ҳисоб рақами орқали пул-муомала операцияларини ўтказиш, солиқлар ва бошқа тўловларни амалга ошириш тўхтатилди.

Тугатиш бошқарувчиси 3 ойдан ортиқ давр мобайнида деҳқон ҳўжалигининг қарздорлик суммаси, мол-мулк-

ни тўлиқ ўрганиб, якуний ҳисоботни тақдим этди. Суд ишни тўлиқ ҳужжатлар, далиллар асосида текшириб, қарздор — Раҳмонжон номли деҳқон ҳўжалиги раҳбари Р.Холиқовнинг шахсий мол-мулк ҳисобидан субсидиар равишда бюджет олдидидаги 7.460,5 минг сўм асосий қарзи, 5674,2 минг сўм устама қарзи, «Тадбиркорбанк» Янгиқўрган бўлиминдан 1.420.000 сўм кредит ва унга ҳисобланган 90.000 сўм кредит фоиздан қарзи, шунингдек 130.600 сўм давлат бож, 4 000 сўм суд-почта харажатлари белгиланган тартибда ундирилиши ҳақида ҳал қилув қарори чиқарди.

Дарҳақиқат, бугун қишлоқ ҳўжалигида иқтисодий ислохотларни жадаллаштириш, ерни ҳақиқий эгасига топшириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Шу боис деҳқон ва фермерларимиз қишлоқ ҳўжалигида иқтисодий ислохотларни жадаллаштиришда ўзига хос мактаб яратган бир пайтда бу каби аянчи ҳолатларни олдини олиш фурсати етди. Бунинг учун вилоят ва туманларда иш олиб бораётган ер бериш тендер комиссиялари танловларни адолатли ўтказиш, ерни тилини билладиган ҳақиқий бобдеҳқонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш зарур.

«INTERMOBILGAZ»

ҲАВОСИ ТОЗА, ЧИҚИМИ КАМ

Муртазо СУЛТОНОВ,
«Интермобилгаз» компанияси
директорлари кенгаши раиси,
иқтисод фанлари номзоиди

Бензин ўринини босадиган ёнгилгини кашф этиш анчадан буюн давом этиб келаётир. Шу пайтгача бензинга муқобил ёнгилги сифатида электр токи, этил спирт, метанол ва бошқа воситалар синовдан ўтказилди. Булар орасида камҳаржлиги, ҳар томонлама қўлайлиги жиҳатидан газ алоҳида хусусиятларга эга эканлиги исботланди.

Газ ўзининг тежамкорлиги, арзонлиги, экологик жиҳатдан тозаллиги каби бир қанча хусусиятларига қўра бошқа ёнгилгилардан афзалдир. Газдан фойдаланилганда машинанинг техник ҳолати яхши сақланади, двигателнинг қуввати ошиб боради. Чунки у автоуловнинг техникавий иш жараёнларини зўриқтирмайди. Масалан, цилиндрли поршенлар узок муддат хизмат қилади: газ цилиндрнинг «девор»лари мойини ювиб кетмайди, ёнгилгининг бир маромда ёнгиси учун қўлай шароит тўғрисида. Газ қуюлма сий деярли тула ёниб, поршенларда, клапанларда ва ёндириш шағам (свеча)ларида қуйиш ҳоллари рўй бермайди, поршенлар гуруҳи ва тирсакли валлар «юки» енгиллашади. Натижада двигатель ҳам енгил ишлаб, тебраниш ва силтаниш ҳоллари сезилмайди.

Бу каби омиллар пировардиди ёнгилгига сарфланган маблағни икки баравар тежаш, двигателнинг ишлаш муддатини 30-40 фоизга узайтириш имконини беради. Табиийки, уларни таъмирлашга кетадиган харажатлари миқдорини ҳам камайтиради. 1 литр бензиннинг 470 сўм, газнинг 250 сўмлигини ҳисобга олсак, автомобилларни газлаштириш нечоғли иқтисодий самара беришини тушуниш қийин эмас. Масалан, «Нексия» автомобили 100 километр масофага 9 литр бензин сарфласа, газда

эса 9,9 литр сарфлайди. Шунда кунига 150 километр юрлса, бир йил давомида 868 725 сўм тежаб қолинади. «Дамас» автомобиллари эса 100 километрга 7,5 литр, газда 8,25 литр сарфлайди. Бир йил давомида 675 675 сўм иқтисод қилинади. Бу кўрсаткичлар газнинг гоятда фойдали эканлигидан далолат эмасми?..

Қўпчилик автомобил эгалари газнинг тежамкорлиги хусусиятига эътибор қаратиб, бошқа афзалликларини унутиб қўйишади. Бинобарин, газ баллон системасида салонда ўтириб автомобилини ҳам газга, ҳам бензинга ўтказиш имконияти бўлади. Таъминот қисмида носозликлар юзга келганда ҳам автомобилнинг харажатдан тўхташ хавфи рўй бермайди. Қолаверса, газ системаси автомобилнинг амортизация қисмига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Агар газдан тўғри фойдаланилса, резиналик техник мосламаларнинг хизмат муддати беш йилга узаяди.

Автотранспортларда газдан муқобил ёнгилги сифатида фойдаланиш экологини яхшилашга хизмат қилади. Чунки ҳавони заҳарловчи моддалар газ ёнгилгиси таркибида деярли йўқ. Шунингдек, энергия манбаларидан оқилона фойдаланиш ҳамда нефть захира-ларини келажак авлодлар учун асрашда ҳам газнинг аҳамияти бекиёс.

Газнинг баллонда босим остида сақланиши бензин ёнгилгисига қараганда хавфли, деган фикрни уйғотади. Аслида бундай эмас. Негаки, газ баллонлари ёрилиш ёки портлаш хавфини келтириб чиқармайдиган даражада мустаҳкам қилиб ишланган. Газ баллонларининг ҳар қандай шароитда — баланддан тушганда, ўк отар қуролдан ўк узилганда, юқори ҳароратларда чидамлиги бир неча бор синовдан ўтказилган. Қоидага қўра, баллонлар машинанинг шикастланмиш хавфи кам жойларига ўрнатилади.

Ҳўш, газ баллон қурилмасини ўрнатишга қарор қилсак, қайси фирманинг маҳсулотига ишонч билдириш мумкин, деган табиий савол туғилади. Айтиш жоизки, бугунги кунда газ баллон қурилмалари орасида BRC Gaz Equipment MTM (Италия) маҳсулотига тенг келадигани топилмапти. Ҳақиқатан ҳам, италияликлар томонидан иш-лаб чиқарилган ушбу қурилма бошқа компания мосламаларига ҳар томонлама ўрнатқ бўла олади.

Автомашинига баллонли газ ускуналарини ўрнатиш учун қаерга мурожаат этган маъқул, деган саволга жавобан эса шундай маслаҳат берилди: «Intermobilgaz» масъулияти чекланган жамияти автомашиналарга баллонли газ ускуналарини ўрнатиш, газ қуйиш шохобчаларини монтаж қилиш ва улардан фойдаланиш билан шуғулланади. У Италиянинг BRC, BRC Gaz Equipment (савдо белгиси — MTM srl) компаниясига қарашли бўлиб, баллонли газ ускуналарини ўрнатувчи тезкор диллердир. Brc Gaz Equipment тамгаси билан чиқарилган маҳсулотлар ўзининг оқсак сифати ва кенг дилерлик тизими билан бутун жаҳонга машхур, бугунги кунда у ўз ускуналари ва бутламаларини Европанинг қўллаб-мамлкатларига етказиб бермоқда.

Ҳозир Тошкентда 13 та автомобилларга газ қуйиш шахобчаси ишлаб турибди. Компаниянинг мижозлари сонига тобора кўпайиб бормоқда. Қўллаб-ташкитот ва корхоналардан ташқари, автомобилларга газ қуйиш шохобчаларидан фойдаланаётган фуқаролар сони ҳам беҳисоб.

Ҳуллас, компания кўпгина хориж мамлакатларида аҳоли ишончини қозониб улгурган. Демак, сиз ҳам бу тажрибадан қанчалик тез ва самарали фойдалансангиз ҳам ўзингиз, ҳам жамият манфаат кўради.

Сўраган эдингиз

Касал онамга қараш учун бир ойда қишлоқда юриб келдим. Келсам, турмуш ўртоғим бошқа аёл билан яшаётган экан. Ўртаимиздаги никоҳни бекор қилдим деб, мени уйдан чиқариб юборди. Қандай ҳолларда никоҳ бекор бўлади. Менсиз ҳам никоҳни бекор қилиш мумкинми? Г.ЮНУСОВА

Никоҳ шартномаси қандай бекор қилинади?

Оила кодексининг 32-моддасида никоҳ шартномасини ўзгартириш ва бекор қилиш ҳақида сўз юритилган. Унга асосан никоҳ шартномаси эр-хотиннинг келиши билан исталган вақтда ўзгартирилиши, бекор қилиниши ҳамда қандай шаклда тугатилган бўлса, шундай ўзгартирилиши таъкидланган.

Шартномани бажарилишдан бир томонлама бош торттишга йўл қўйилмайди. Эр ёки хотиндан бирининг талаби билан фуқаролик кодексига белгиланган тартибда суднинг ҳал қилув қарори билан ўзгартирилиши ёхуд бекор қилиниши мумкин. Шу пайтдан бошлаб шартнома ўз кучини йўқотади.

С.НИЁЗОВА

ҲАРАКАТДАГИ БЕЛЛАШУВ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ташаббуси билан 1997 йилдан буюн Ички ишлар идоралари, Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимларининг хизмати жангавор ва жисмоний тайёргарлиги бўйича қўрик-танлов ўтказилиб келинмоқда. Бу йилги қўрик-танлов Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳрида бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳри, вилоятлардан келган Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари учун давомида йўл ҳаракати қоидаларидан тест синовлари, автомат ва пистолетдан ўқ отиш, 3 минг ва 100 метрга югуриш, турникда тортилиш, қўл жанги, автомобилда машқ бажариш шартлари бўйича ўзаро беллашдилар.

— Ходимларимизнинг хизмат, жангавор ва жисмоний тайёргарлигини оширишда мазкур қўрик-танлов катта аҳамиятга эга, — дейди Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлимида бошлигининг биринчи ўринбосари подполковник Музаффар Ҳасанов. — Ўтган йили қўрик-танлов бизнинг вилоятимизда бўлиб ўтган эди. Бу йилга қўрик-танловга ҳам катта тайёргарлик билан келдик.

Уч кун давом этган қўрик-танлов якунида унинг голиб ва совриндорлари аниқланди. Умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни Тошкент шаҳри Ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлими, иккинчи ўринни Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлими, учинчи ўринни Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси жамоалари эгаллади.

Шахсий биринчилиқда Тошкент шаҳри ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлими ИПХИ катта сержанти Р.Қодиров биринчи, Тошкент вилояти ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлими нозири кичик сержант М.Амиров, Жиззах вилояти ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлими нозири кичик сержант Т.Қаюмовлар иккинчи, ўринларни эгаллаб, қўрик-танлов голиби бўлди.

ТАФЛУК

Хориж хабарлари

«Бансфилд»да ёнғин



ёнгилги омборида рўй берган портлашлар кучли ёнғин келиб чиқишига сабаб бўлган. Хабарларга қараганда, воқеа оқибатида 43 киши турли даражада тан жароҳатини олган. Қурбонлар бўлмаган.

«Бансфилд» Буюк Британиядаги энг катта ёнгилги омборларидан бири бўлиб, ундаги терминалларда мамлакат нефть захирасининг 5 фоизи сақланади. Шу боис, портлаш натижасида мазкур иншоотнинг деярли ярми вайрон бўлган. Нефть сақланадиган резервуарларнинг 20 таси ўт ичида қолди. Уларнинг ҳар бирида 13,5 миллион литр ёнгилги бўлганлиги маълум қилинган. Ёнғин алангаси 65 метр баландликка кўтарилган. Мамлакат ҳукумати томонидан «Бансфилд» га яқин ҳудудларда етмишга яқин мактаб ёпиб қўйилди. Аҳоли хавфсиз ерларга кўчирилди. Автоомобил йўлларида ҳаракат тўхтатилди. Лондоннинг Хитроу халқаро аэропортидаги парвозлар ҳам қолдирилди. Сабаби шу кунни ҳавони қалин туман қоплаган эди.

Айни вақтда содир бўлган фобия юзасидан тергов-суриштирув ишлари олиб борилюмоқда. Бироқ, нефть омборининг ёниб, қулга айлангани воқеа сабабини очик қилишга олиб келиши мумкин. Полициячилар портлаш ва ёнғин техника хавфсизлиги қондаларига риоя қилинмаганидан келиб чиққан, деган тахминда. Мутахассислар томонидан «Бансфилд»даги портлаш Европа тарихидаги энг катта фалокат, деб ҳисобланмоқда.

Генерал трибуналда

Алишер НАЗАРОВ



Хорватиянинг собиқ генерали Анте Готовина Гаагадаги Халқаро трибуналга келтирилди. У Хорватиядаги қонли моjarоларни уюштиришда гумон қилиниб, ўтган ҳафта Испанияга ҳибса олинган.

Собиқ генерал 1995 йилда сербларга қарши гайриинсоний жиноятларда, хусусан, Крайшина вилоятида 150 кишини ўлдирганлик билан боғлиқ жиноятда айбланмоқда. Унга қарши жами олтига айблов илгари сурилган. Агар унинг жинояти исботланса, А.Готовина ўз умрининг қолган қисmini қамоқда ўтказишига мажбур бўлади.


Унинг адвокати собиқ генералда ўзини ҳимоя қилиши учун етарли далиллар мавжуд ва у судда қўтиб қилиши ҳам мумкинлигини баён қилган. Яқшанба кунни Хорватиянинг Сплит шаҳрида салкам эллик минг киши А.Готовинанинг қамоққа олинишига қарши норозилик намойиши ўтказди. Улар собиқ генералнинг озод этилишини талаб қилмоқда. Хорватия президенти Стип Мезич мазкур воқеа ҳақида баёнот бера туриб, халқаро ҳамжамиятдан 90-йиллардаги урушда қатор жиноятларни амалга оширган, ҳозирда қочиб юрган Радаван

Караджич ва Радко Миладиични қўлга олиниши ва халқаро трибуналга топшириши учун Сербия ҳукуматига талаблар қўйишларини сўради. Сербиянинг собиқ президенти Радаван Караджич ва генерал Радко Миладиич 1995 йилда Сребрница шаҳрида етти ярим мингга яқин одамни ваҳшийларча қатл эттирганликда гумон қилинмоқда.



ЧИНОЗ. Пахта тозалаш корхонасининг тайёр маҳсулотлар бўлими бошлиғи Сапура Бахромова пахтадан оз муддат ичида сифатли тозалаш тарафдори. Корхонада бир кунда 10-12 тоннадан зиёд тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Тайёр маҳсулотларнинг бир қисми хорижий давлатларга экспорт қилинмапти. Суратда: Сапура Бахромова, Корхона бош муҳандиси Умрзоқ Қубаев ва Дилшод Турсунмуродовлар билан тайёр маҳсулотлар сифатини қўздан кечирмоқда.


ЖИНОАТ СОДИР ЭТИШНИНГ КАТТА ВАСВАСАСИ ЖАЗОЛАНМАЙ ҚОЛИШГА УМИДВОРЛИКДИР. Цицерон



Олий ҳарбий божхона институти замонавий моддий-техника базасига эга, ноёб асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Институтда 12 та кафедра, компьютер синфлари, криминалистик лаборатория фаолият юритмокда. Улар Жаҳон божхона ташкилоти (ЖБТ) талаблари даражасида. Божхона назоратини ташкил этишга ўргатиш, қотранбандага ва божхона қоидаларини бузилишига қарши кураш синфлари фикримизга далил бўла олади. Товарларнинг кимёвий таркиби асосида таснифлаш ва сертификатлаштириш кафедрасининг илмий лабораториясига Япониянинг «Шимадзу» фирмасининг ускуналари ўрнатилган. Улар ёрдамида ҳар қандай махсулотнинг сифатини, кимёвий таркибини юқсак аниқликда таҳлил қилиш мумкин.

**етук мутахассиспар
тайёрлайди**

назар ташласак, бу йўналишдаги саъй-ҳаракатлар мунтазамлиги билан диққатга сазовордир. Чунончи, 1994 йили Тошкент ўқув маркази, 1998 йили Божхона коллежи, 2001 йили эса Ўзбекистон Республикаси Солиқ ва божхона органлари академияси очилди. 2003 йили Академиянинг «Божхона иши» факультети ва Божхона коллежи негизда Олий ҳарбий божхона институти ташкил этилди. Бу нафақат Ўзбекистон божхона хизмати учун, балки халқро божхона ҳамжамияти учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Институтнинг очилиши ҳақида Жаҳон божхона ташкилотининг «Customs



Маълумки ҳар йилнинг 1 декабрь кунин БМТ томонидан Халқаро ОИТС ва гиёҳвандликка қарши кураш кунин, деб эълон қилинган. Дарҳақиқада бу иллатларнинг ҳавфи дунё миқёсида кундан-кунга ортиб бораётгани сир эмас.

Бизда ОИТС билан касалланиш ҳолати биринчи бор 1987 йили қайд этилган эди. 2000 йилга келиб бу касаллик вирусини юқтирган юртдошларимизнинг сони 153 тага етган бўлса, 2004 йили улар сони 2016 тани ташкил этди. Бугунги кунда 5600 нафар фуқаролар ана шу касаллик вирусини билан яшаб келмоқда. Дунё бўйича эса вазият ниҳоятда таҳлилкали: биргина Лотин Америкасида ОИТС ҳасталигига гирифторм бўлганлар сони 1 миллион 800 минг нафардан ошган.

ОИТСнинг тарқалиш ёки тарқалмаслиги ҳар бир инсоннинг ахлоқиға боғлиқ экани барчага аён. Шу маънода, ОИТС бутун инсониятга келган дард, унга қарши курашишга ер юзи аҳолиси бирдай масъул. Бундан тўрт-беш йил муқаддам, касбим тақозосига кўра, халқа-

ро ташкилотлардан бири томонидан ОИТСга қарши кураш бўйича ишлатиб чиқилган лойиҳа тақдимида катнашгандим. "Зур лойиҳа бўлса керак Ниҳоят ОИТСга қарши курашнинг самарали усули уйлаб топилбиди-да", деган фикрда эдим. Аммо мен катнашган тадбирда аллалабҳо химоя воситаси тақдим этилди. Унда бирор киши "Ҳой биродарлар, зининонг ўзи гуноҳ-ку! Бу бедаво касаллик

нинг олдини олиш учун, аввало, зинодан тийилиш керак!" дегани йўқ. Гўё ҳар қандай жинсий алоқа бир ижобий жараён-у, ОИТСга чалинмаслик учун химоя воситасидан фойдаланил-са кифоя, дегандек, тасаввур уй-ғотди бу тадбир. Ҳозир дунёда ОИТСга қарши бошланган ку-

карши қандай курашиш керак? Тургисини айтсам, менда ҳам бу саволга аниқ жавоб йўқ. Мен ҳам кўплар қатори "зино ва бангиликдан олис бўлиш керак, тамом", деб ўйлардим. Яқинда "Амир Темуր" халқаро илмий экспедицияси раҳбари Фахриддин Ашрафхужаевга шу саволни берганимда:

— Имонли бўлиш керак, дея жавоб берди.

Бу жуда тўғри
жавоб эди. Агар киши имони
ли бўлса, нафақат ОИТСдан,
балки ундан-да даҳшатлироқ
балолардан ҳам сақланади.
Бундай жавоб нақадар оддий
бўлмасин, унинг замирида
ота-боболаримизнинг жуда
қадимдан келаётган бой
хаётий тажрибасидан олинган
хулоса ётибди. Демак, бедаво
дардга чалинмаслиқнинг бир-
дан-бир чораси инсоннинг
ўзида экан.

рашнинг асосини шундай тарг-
иботлар ташкил этмоқда. Уйлаб
қарасанг, бундай таргиботнинг
тагида ўша воситани ишлаб чи-
қарадиган фирма ёки компа-
ния манфаатидан бошқа ҳеч
нарсა йўқ.

Табийки, фохишани отнинг думига боғлаб, чўлу биёбонга ҳайдаб юборадиган замонлар ўтиб кетди. Биз инсон ҳуқуқлари устувор бўлган бир даврда яшаямиз. Хўш, унда ОИТСга

жавоб эди. Агар киши имонли бўлса, нафақат ОИТСдан, балки ундан-да дахшатлироқ балолардан ҳам сақланади. Бундай жавоб нақадар оддий бўлмасин, унинг замирида ота-боболаримизнинг жуда қадимдан келаётган бой ҳаётий тажрибасидан олинган хулоса ётибди. Демак, бедаво дардга чалинмасликнинг бирдан-бир чораси инсоннинг ўзида экан.

Убайдулла ЎТАБЕКОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ
ЎХБ 1-ХҲХ инспектори

Кундалик турмушимизда со-
дир бўлаётган ёнгинларни тах-
лид қилсак, аксарият ҳолларда

ўз бепарволигимиз ва хавфсизлик қоидаларига риоя этмаслигимиз туфайли қутилмаган офатлар юзгага келаётганининг гувоҳи бўламиз. Баян билиб туриб, ўз мол-мулкимизни хатарга қўямиз.

Яқинда Собир Раҳимов туманида истиқомат қилаётган Г.Содиқова хонадонига ёнгина юз берди. Оқибатда ошхона томи панжараси ёниб кулга айланди.

Шу хуудда истикомат қилаётган Х.Азизовларнинг хонадонидан ҳам эътиборсизлиқ орақасида содир бўлган ёнғин 65 кв.метр майдондаги том қисми ва уй жиҳозларини кулга айлантирди. Уй эгаси эса жиддий тан қажолати олиб касалхонага ётқизилди. Акмал Икромов туманида яшовчи М.Саидхматовнинг хонадонига содир бўлган ёнғин телевизор симларини қисқа туташувидан чиқди. Ҳамза туманидаги Боткина қабристонига ва шу туманининг А.Абдуллаев кўчасида 500 кв.м майдонда алангаланган ёнғинлар ҳам фуқароларнинг оқойадлиги ва эътиборсизлиги натижасидир.

Яна бир ҳолат: Шайхонтоҳур туманидаги «Оймома» боғи рўпарасида 200 кв.м майдонда болаларнинг олов ўйнашлари сабабли ҳас-ҳашакдан ўт чиққан ёки худди шундай ҳолат билан Марказ-15 мавзесида йиғилиб қолган ахлат чиқиндиллари ҳам ёнган.

Бундай фалокатлар баъзан уй жиҳозлари, тирик жонлар ҳаёти ва уларнинг соғлиғини ҳам ўзи билан олиб кетади, бир умр мажруҳга айлантиради.

Халқимиз
«Ут бало­сидан
сақла...» деб бе­
корга айтишма­
ган. Биз ён­гин
хавфсизлиги
бўлими ходимлари барча
фуқароларни, маҳаллалар фа­
ло­ларини, хонадонлар эгалари­
ни ва фарзандларимизни огоҳ­
ли­ка давват этаёلمиз. Зеро, ол­
дими­зда Янги йил байрами
турибди. Ҳар бир ташкилот, му­
ассаса, корхоналар сингари ҳар
бир хонадонларда ҳадемай ар­
чалар безатилиши турган ҳал.
Ана шундай кезларда ён­гин чи­
қилиши олдини олиш, газ плита­
лари, электр силлари ва разет­
калардан огоҳ бўлиб туриш —
каттаю-кичик барчамизнинг
бурчимиз.

Р. БАРАТОВ,
Миробод тумани ЁХБ инспектори

Узини ҳурмат қилган ҳар бир инсон ўзига ва бошқаларга тегишли бўлган мол-мулк, уй-жойни бирдек қадрлайди. Бироқ, биргина лоқайдлик ёки эҳтиёсизлик оқибатида келиб чиққан ёнгин ҳодисаси натижасида мол-мулкка, энг ёмони, инсонларга моддий ва маънавий зарар етиши мумкин.

Шу боис тилсиз ёв — ёнгининг олдини олишга ҳукумат доирасида эътибор қаратилаётир.

Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига асосан республикада 15 ноябрдан 15 декабрга қадар ёнгин ҳавфсизлиги ойлиги ўтказилди. Ушбу муҳим тадбирда бўлимимиз ходимлари, қолаверса, бутун туман аҳолиси фаол иштирок этди. Ҳавфсизликни таъминлаш мақсадида бўлимимиз раҳбарияти, инспекторлар ва 5,6-ҳарбий-лаштерилган ёнгин ҳавфсизлиги қисмларининг фидойи ходимлари саъй-ҳаракати билан аҳоли ўртасида кенг кампания таъғибот-таъшиқот иш-

**Ўзбекистон
«Адолат» СДП
Сиёсий
Кенгашининг
ижтимоий-сиёсий
газетаси**

**Бош муҳаррир
Бахтиёр
АБДУСАТТОРОВ**

Газета Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлиги томонидан 016
рақами билан рўйхатга
олинган

МАНЗИЛИМИЗ:
700047, Тошкент шаҳ-
ри, Матбуотчилар
кўчаси, 32-уй.

Телефонлар:

Қабулхона —	133-40-86
136-53-14	
Факс —	133-41-89
Котибият —	136-55-96
Сиёсат ва партия ҳаёти	
бўлими —	136-55-64
Ҳатлар бўлими —	136-55-64
Маънавият, адабиёт ва	
санъат бўлими —	136-55-64
Иқтисодиёт ва саноат	
бўлими —	136-54-39
Маркетинг ва реклама	
бўлими —	136-55-96

Навбатчи
муҳаррир —
Д. Саъдуллаев
Навбатчи —
Н. Ҳайдаров
Мусаҳиҳ —
Н. Муҳсимова
Саҳифаловчи —
Л. Турсунов

- «Адолат»дан кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

— Мазкур белги остида тижорат мақолалари чоп этилади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп
этилди.
Корхона манзили: Тош-
кент шаҳри
Буюк Турон
кўчаси, 41-ўй.

Буюртма Г— 100
Ҳажми — 2 босма табок,
Офсет усулида
босилган
Қоғоз бичими А-2.

Нашр индекси —100

Осишга топшириш вақти
– 20.00
Осишга топширилди

лари олиб борилди. Махаллалар, мактаб ва мактабчага таълим муассасаларида, корхона ва ташкилотларда турли урашувлар ташкил этилди. Бунда маҳалла фуқаролар йиғинлари мутасаддилари ҳам ташаббускорлик кўрсатишди.

Бўлим ходимлари нафақат ушбу тадбирда, балки жорий йилнинг ўтган 11 ой мобайнида ҳам ёнгин хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга оширган ишлари ўз натижасини кўрсатаётганлиги алоҳида эътиборга моликдир. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида туманимизда ёнгинлар сони сезиларли даражада қамайиб, бор-йўғи бир киши тан жароҳати олди. Куз-қиш мавсумида ёнгинлар хавфининг ортиши барча фуқаролардан янада эътибори ва ҳушёр бўлишни талаб этади. Шундан экан, ёнгин хавфсизлиги қондаларига риоя этган ҳолда ўзини ва атрофдагилар тинчлиги, фаровонлигини таъминлашга ҳар бир фуқаро маъсуддир.

Хаёт сабоқлари

ПУШАЙМОН ЁШЛАРИ

— Инсон қилган хатосини
жуда кеч, уни тўғрилашнинг
илоҳини тополмаганда кўп
нарсга тушуниб етаркан. Мен
ҳам ана шундай кечирилмас
ғуноҳнинг сабабини, ўз фар-
зандини оталик меҳридан
жудо қилган, зурриёдини ти-
рик етим қилган қимсаман, —
деб гап бошлади узини
Абзалли, деб таништирган
сўхбатдошим.

Кўплар қатори муҳаббат меvasидан тотиб, севиб-севилиб оила қўрдим. Турмушимиз ҳавас қилса арзигудек ўтар эди. Турмуш ўртоғимнинг менга ва oilамизнинг барча аъзоларига бирдек меҳрибонлигидан бошим осмонга етар, ўз ўрнида мен ҳам уни гоёта авйалаб асраб эдим. Ўғлим Асроржон туғилганда хонадонимиз тўйхонага айланиб кетди. Турмуш ўртоғим Гуласал оналик бахтидан масрур, иккаламиз ҳам чинакам бахтиёр эдик. Ўғлим икки ёшга етганида тўсатдан оғриб қолди. Мутахассислар дарҳол операция қилиш лозимлиги ҳақида кўрсатма беришди. Операция кўнгилдагидек ўтди.

Аммо шифокорлар рафикамга уч йилгача фарзанд қўриш, оғир меҳнат қилиб, ўзини толиқтириш соғлигига жиддий таъсир кўрсатишини алоҳида ўқитишди. Ғулсалнинг ота-онаси соғлиги бироз яхшилангунча ўш уйларида парвариш қилмоқчи эканликларини айтишиб, уни ўғлим билан бирга олиб кетдилар. Шундан кейин бирданига онамининг нияти ўзгариб қолди. «Бизга унақани касалманд келин керак эмас. Бундан ташқари, ёш уринг бир фарзанднинг юзига термулиб ўтиб кетадими? Мен сени оёқ-қўли чаққон, юрганида товодидан ўт чиқади-ганига уйлантириб қўяман», - деб янги келин излай бошлади. Мен онамга ўғлимнинг келажиги учун Ғулсал билан яшамоқчи эканимни, бўёғига пешонамга ёзилганини қўришимни айтганимда, «Она рози – Худо рози» деб туриб олди. Онамининг сўзига кирмасам, у дунё бу дунё рози бўлмаслигини, бир умр косам оқармаслигини қайта-қайта таъкидлади. Виждоним, орномусим, йигитлик гурурим қанчалар азобланмасин, онамининг сўзига қарши чиқолмадим. Ва онам ҳамда журъатсизлигим сабаб иккинчи ма-

Азаматжон МАҲМУДОВ
тайёрлади

ротаба ҳам чимилдиққа ки-
ришга мажбур бўлдим.

Янги турмуш ўртоғим Нигора Гуласалнинг тамоман акси эди. Анчагина қўпол, серзаҳда, пиширган овқатлари ҳам гоҳида тузи паст бўлса, гоҳида шўр. Ҳаммасидан ҳам онамга раҳимим келарди. Гуласал пиширган мазали овқатларини еб ўрганган, унинг ширин-муомалаларини унутмаган онам ичидан зил кетса-да, сиртига чиқармасди. Чунки, мана шу ҳолатларни юзага келишишда

Гоҳида туни билан уйким келмай, Гуласалнинг табассумли юзи, ўғлим Асроржоннинг жовдираб турган мунчоқде кузлари кўз ўнгимда намоён бўлаверадилар. Қалбим қанчалик тугён кўтармасин, Гуласал ва ўғлим Асроржонни қанчалик соғинмай, уларни бориб куришга журъятим етмайдилар. Чунки, уларнинг олдида юзим шувит. Билмадим, Гуласал ва Асроржоннинг уволи тугдими, мана, орадан уч йилдан зиёд-роқ вақт ўтса ҳам фарзанд кўрмаяпмиз... Зеро, ҳеч қайси йигит асло биринчи бахтидан жудо бўлмасин, ҳеч қачон пушаймон ёшлари кўзини нам қилмасин экан.

КЪ

ТАФАККУР

ХЕЧ БҮЛМАСА, АНДАККИНА БИЛИШ УЧУН, КҮП ҮКІМОҚ КЕРАК. *Монтескье*